# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 1 сентябрь, № 174 (6868) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, мана шундай қутлуғ кунда сиз, азизларни ва бутун халқимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, ўзимнинг энг эзгу тилакларимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Бундан роппа-роса йигирма олти йил муқаддам Биринчи Президентимиз, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

Шу кундан эътиборан жаҳон харитасида янги мустақил ва суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Жонажон Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихида янги давр — эркинлик ва озодлик, миллий тикланиш ва тараққиёт даври бошланди.

Биз бугун халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, истиқлол йилларида босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, ғоят шарафли йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас динимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимизни фахр билан тилга оламиз.

Албатта, ушбу ютуқларнинг қўлга киритилишида Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тарихий хизматлари беқиёс бўлганини бугун барчамиз, бутун халқимиз такроран эсга олишимиз табиийдир.

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Оқсарой қароргоҳи олдида Ислом Абдуғаниевичнинг ҳайкалини очдик. 2 сентябрь куни эса Ислом ака туғилиб вояга етган Самарқанд шаҳрида у кишининг ҳайкали очилади.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли Татьяна Акбаровна!

Азиз меҳмонлар!

Бугун сизлар билан азим Тошкентнинг табаррук маскани — Оқсарой қароргоҳи олдида муҳим тарихий воқеа муносабати билан тўпланиб турибмиз.

Буюк давлат ва сиёсат арбоби, мустақил давлатимиз асосчиси, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич хотирасига бағишлаб бунёд этилган ҳайкалнинг очилиш маросимида иштирок этмоқдамиз.

Ислом Абдуғаниевич бутун умрини жонажон Ўзбекистонимиз учун, унинг озодлиги ва буюк келажаги учун бағишлади.

Ислом ака тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврида — миллатлараро зиддиятлар авж олган, иқтисодиёт чуқур инқирозга учраб, республикамиз жар ёқасига келиб қолган кескин ва таҳликали бир шароитда мамлакатга раҳбарлик қилиш масъулиятини ўз зиммасига олдилар.

Ватанимиз тарихида янги давр бошланган кун — 1991 йил 31 августда Ислом Абдуғаниевич Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилдилар ва чорак аср давомида давлатимизни изчиллик ва собитқадамлик билан бошқардилар.

Биринчи Президентимиз раҳбарлиги остида тарихан қисқа даврда юртимизда кенг кўламли таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Юқори технологияларга асосланган янги саноат тармоқлари барпо этилди ва ривожлантирилди. Замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари бунёд этилди. Қишлоқ хўжалигида чуқур ислоҳотлар амалга оширилди.

Ислом Абдуғаниевич бошчилигида Ватанимиз мустақиллиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган замонавий миллий армия барпо этилди.

Буюк Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда маънавий қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ислом Абдуғаниевич ўз ҳаёти ва фаолиятининг мазмуни бўлган **"Биздан озод ва обод Ватан қолсин!"** деган эзгу ғояни илгари сурдилар ва бу даъват барчамизнинг қалбимиздан чуқур жой олди.

У киши **"Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак"** деган ўзининг ғоясига бир умр амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратдилар.

Ислом ака миллатнинг ҳақиқий етакчиси сифатида она халқини, гўзал ва бетакрор Ўзбекистонни жонидан ҳам ортиқ севар, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни ўз ҳаётининг бош мақсади, деб билар эдилар.

Ўз навбатида, халқимиз ҳам доимо эл-юрт ташвиши билан яшаган Биринчи Президентимизни чексиз меҳр билан севар ва ўзининг улуғ раҳбари сифатида у киши билан ҳақли равишда фахрланар эди.

Ҳурматли ватандошлар!




Биринчи Президентимизнинг хотирасини абадийлаштириш учун халқимиз, кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-истаклари ва таклифларини инобатга олиб амалга ошираётган ишларимиз, ўйлайманки, барчангизга яхши маълум.

Тошкент шаҳридаги халқаро аэропорт, Тошкент давлат техника университети, Асака автомобиль заводи, Фарғона шаҳридаги Санъат саройи, пойтахтимиз ва ҳудудларимиздаги марказий кўчалар, Оқсарой қароргоҳида ўз фаолиятини бошлаган илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, махсус хайрия жамоат фонди Ислом Абдуғаниевичнинг муборак номлари билан аталди.

2 сентябрь куни хайрли ишларимизнинг давоми сифатида Ислом Абдуғаниевич туғилиб вояга етган, мангу ором топган азим Самарқанд шаҳрида улуғ Йўлбошчимизнинг ҳайкали очилишига бағишланган маросим ўтказилади.

(Давоми 2-бетда).

### «ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!»

## ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИ

**"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди.**

1991 йил 31 август. Бу мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий санадир. Зеро, йигирма олти йил муқаддам худди шу куни Биринчи Президентимиз Ислом Каримов юксак минбардан туриб Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилган эди. Айнан ўша дамда катта мақсад ва режалар билан буюк келажак сари қадам қўйгандик. Бугун эзгу ният ҳамда улуғвор орзуларимиз, ота-боболаримизнинг асрий истаклари рўёбга чиққанига 26 йил тўлди.

Ўтган давр мобайнида озод Ўзбекистонимиз, чин маънода, обод мамлакатга айланди. Ватанимиз иқтисодий салоҳияти, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий имкониятлари нечоғли улкан эканлигини дунёга намоён этди. Ўзбекистонни, халқимизни бутун жаҳон таниди, тан олди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан шу йил 27 июнда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ҳар бир юртдошимизга чексиз ғурур ҳамда ифтихор бахш этди. Мазкур ҳужжатга биноан, мамлакатимизнинг барча ҳудудида буюк байрамимизни муносиб кутиб олиш ҳамда тантанали равишда нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилди.

(Давоми 3-бетда).

## ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

*Бундан роппа-роса йигирма олти йил муқаддам Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг атоқли фарзанди Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилган эди.*

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча оламшумул ютуқ ва марраларни мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан боғлайди. Ислом Каримов бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёшларнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартириб, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишнинг янги принципиал тизимини яратиб, уни ҳаётга жорий этишга бевосита раҳбарлик қилди.

...2017 йил. 31 август. Биринчи Президентимиз кўп йиллар давомида фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳи, унга туташ кўркам майдон ва хиёбон. Мусаффо осмон, маҳзун мусиқа садолари остида давлатимиз байроғи ҳилпирайди.

Бу ерга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, талаба-ёшлар, юртимиздаги миллий маданият марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари Ислом Каримов ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш учун жам бўлган.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Каримов ҳайкалини очди. Буюк Юртбошимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Биринчи Президентимиз бошлаб берган кенг кўламли ислоҳотлар бугун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори халқимизнинг ўзининг буюк фарзандига чексиз ҳурмат ва садоқатининг амалий ифодаси бўлди. Қарорда кўзда тутилганидек, Биринчи Президентимиз номини абадийлаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрига бир неча бор ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Ислом Каримов дафн этилган жойда барпо этилаётган ёдгорлик мажмуаси лойиҳаси билан танишиб, уни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

(Давоми 2-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.*

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига Мустақиллик куни муносабати билан ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Биз буюк орзу-умидлар билан бирга, турли талатўплар даврида яшаяпмиз. Мен бу йилни бутун жаҳонда тинчликни таъминлашга даъват билан бошладим. Инсоният интилаётган барча неъматлар — қадр-қиммат, одил судлов, тараққиёт ва фаровонлик бевосита тинчлик билан боғлиқ. Бу қадриятлар БМТ Низомида мустаҳкамлаб қўйилган ва бизни бирлаштириб туради.

Сизнинг байрам қувончингизга шерик бўлар эканман, БМТнинг кўп миллатли ташкилот экани бутун жаҳонда бир-биридан узоқлашиш ҳодисаси кузатилаётган бир пайтда умумий саъй-ҳаракатларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани, умуман, инсонийлигимизни белгилаб бераётганини таъкидламоқчиман.

Ушбу қутлуғ кунда Сиз раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон БМТни мустаҳкамлаш, барчага тинчлик, тараққиёт ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги умумий саъй-ҳаракатларимизни янада фаоллаштиришга муносиб ҳисса қўшишига ишонаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

**Антониу ГУТЕРРИШ,**
**БМТ Бош котиби**

## ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА КУРАШГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

*Тинчлик, мустақиллик, тараққиёт. Бу улуғ тушунчалар бир-бири билан мудом ёнма-ён. Зеро, айнан шу неъматлар эл-юрт фаровонлигини, унинг истиқболи ва ривожланиш босқичларини белгилаб беради. Ўзбекистон эришган ва эришаётган бетимсол ютуқлар, улкан ислоҳотлар, янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг фаровон турмуши, осойишта ҳаётимиз, вояга етаётган баркамол авлод — мана шу улуғ неъматларни инъом этган истиқлол учун қанчадан-қанча аждодларимиз курашган, шаҳид кетган. Бу йўлда жонини фидо қилган боболаримизни Мустақиллик байрами кунларида яна бир бор эслаш, уларнинг муборак руҳларини шод этиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.*

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизнинг Бўзсув соҳилида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи халқимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

(Давоми 3-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Насиб этса, 2018 йил 30 январда — у киши туғилган кунга 80 йил тўладиган санада Қарши шаҳрида Биринчи Президентимизга ҳайкал ўрнатиш, Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуаси барпо этиш ишларини тўла якунига етказиб, уларнинг ҳам тантанали очилиш маросимларини ўтказамиз.

Бугун барчамиз бир фикрда якдилмиз: Биринчи Президентимизнинг Ватан ва давлат олдидаги буюк тарихий хизматлари, сўнмас хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди.

Ҳурматли ватандошлар!

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш борасида бугун олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини биз ҳар томонлама чуқур англаймиз.

Жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кескин бир давр барчамиздан янгича ишлаш ва фикрлашни, юқори даражада сафарбарликни талаб этмоқда.

Олдимизда турган ана шу улкан вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик.

Ушбу Стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсатни изчил давом эттириш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Ҳаракатлар стратегиясида **"Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак"** деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани албатта бежиз эмас.

**Биринчидан,** бугунги кунда барча бўғиндаги ҳокимлар, вазирлик ва идоралар, прокуратура, суд-ҳуқуқ ва ички ишлар органлари раҳбарлари, депутат ва сенаторлар бевосита жойларга чиқиб, ўз фаолияти бўйича халқ олдида ҳисобот бермоқда.

Маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, одамларнинг ҳаётий муаммоларини ўрганмоқда, уларни қонуний асосда ҳал қилиш учун амалий ёрдам кўрсатмоқда.

**Иккинчидан,** биз иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва шу тариқа жаҳон бозорида муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашга асосий эътибор қаратмоқдамиз.

Шу мақсадда ўтган қисқа даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида минглаб лойиҳалар амалга оширилиб, юқори технологияларга асосланган замонавий завод ва фабрикалар барпо этилаётгани, янги иш ўринлари ташкил қилинаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги ва эртанги тараққиётимиз бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда анъанавий ёндашувлардан воз кечиб, деҳқонлар даромадини кўпайтирадиган, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни етиштиришга инвестициялар жалб қилинаётгани сизларга яхши маълум.

Мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида **"Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кудратли бўлади"** деган тамойилдан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш учун янги имконият ва имтиёзлар яратилмоқда.

Энг муҳими, бу соҳа минг-минглаб фуқароларимиз, аввало, ёшларимиз учун ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш, эл фаровонлигини оширишда мустаҳкам замин бўлаётгани барчамизни хурсанд қилади.

**Учинчидан,** ижтимоий соҳалар, айниқса, одамларда энг кўп эътироз уйғотаётган соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, табиий газ ва электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизмат, йўл қурилиши соҳаларида мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш, ички ишлар идораларининг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлардан ҳам албатта хабардорсиз.

Узоқ йиллардан буён халқимизни қийнаб келаётган ўткир бир муаммо — арзон уй-жойлар масаласини ҳал этиш мақсадида биз 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур қабул қилдик.

Ушбу дастурга биноан, келгуси беш йилда 1 минг 136 та кўп қаватли, арзон уй-жойлар, жумладан, қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 100 мингдан ортиқ тураржой бинолари барпо этилади.

Шу кунларда фақат қишлоқ жойларнинг ўзида жорий йилда қуриб битказилган янги уйларда 5 мингдан ортиқ оила ҳовли тўйларини ўтказаётгани албатта ҳаммамизни қувонтиради.

Бу ишларни изчил давом эттириш ҳақида гапирар эканмиз, инсонларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш биз учун одамийликнинг энг олий мезони, энг муҳим вазифа бўлиб қолишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Чунки халқимиз ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни келажакда эмас, балки бугун кўришни, улардан бугун баҳраманд бўлишни истайди.

Аҳолимизнинг ана шундай табиий истак ва талабларини бажариш барча раҳбар ва етакчиларнинг асосий бурчи ва вазифасига айланиши шарт.

**Тўртинчидан,** биз парламент ва фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари бўлган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Жумладан, кейинги пайтда маҳалла тизими, "Нуроний" жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган Фармон ва қарорлар ўзининг дастлабки натижасини бераётганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилгани ва бу ташкилотнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, унга янги имтиёз ҳамда имкониятлар бериш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Чунки мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, бу йўлда бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган, азму шижоатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш — биз учун энг муҳим масаладир.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўзининг амалий фаолияти билан барчамизнинг, биринчи навбатда, ёшларимизнинг умидларини албатта оқлайди, деб ишонамиз.

Бугунги давр талаби, халқимизнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олиб, илм-фан, таълим-тарбия тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мактаб таълим тизими тубдан ўзгартирилиб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта тикланмоқда. Мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртларига қабул квоталари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сиртқи ва кечки олий таълим шакллари тикланмоқда.

Шунингдек, бу борада бизни энг кўп ўйлантираётган масалалардан бири — мактабгача таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Мақсадимиз келгуси 3-4 йилда мамлакатимиздаги боғча ёшидаги болаларни ана шундай таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олишдан иборат ва биз бунга албатта эришамиз. Ушбу мақсадда айни кунларда махсус давлат дастури тайёрланмоқда.

**Бешинчидан,** республикамизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш, диний экстремизм ва терроризм хавфига қарши кураш олиб бориш бўйича ишлар ҳам янгича ёндашувлар асосида ташкил этилмоқда.

Ҳаётда билиб-билмай адашган одамларни тўғри йўлга солиш, кечиримли бўлиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш масалалари ҳам диққат марказимизда турибди.

Биз бир ҳаётий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Яъни хато қилган, йўлдан адашган одамни "ёмон" деб четга суриб қўйсак, у ёмон бўлиб қолаверади. Ёмонни яхши қилиш, уни дўстга айлантириш — бу фақат соғлом жамиятнинг қўлидан келади.

Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало, ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур.

Бу борада амалга ошираётган ислоҳотларимиз, хусусан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар сизларга яхши маълум, албатта.

Айни вақтда бундай кенг кўламли ишларимиз биз бошлаган ислоҳотларнинг фақат бир қисми, дастлабки қадамлар эканини таъкидлаш лозим.

Олдимизга қўйган юксак мақсад ва режаларимизни реал натижага айлантириш учун ҳаммамиз бор куч ва билимимизни аямасдан, фидокорона ва виждонан меҳнат қилишимиз, ташаббус кўрсатиб ишлашимиз зарур.

Шунинг учун ҳам, келгуси икки йил бизнинг фаолиятимизда фавқулодда сафарбарликни талаб этадиган давр бўлади ва бу вазифани барчамиз сидқидилдан бажаришни таъминлашимиз албатта лозим. Халқимиз биздан шуни кутяпти.

Бу борада, айниқса, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Қадрли дўстлар!

Бугун биз мамлакатимизни ҳар томонлама модернизация қилиш, таркибий ўзгаришлар ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш бўйича улкан ишларни бошлаган эканмиз, уларни амалга ошириш ташқи омилларга ҳам боғлиқ эканини яхши тушунамиз.

Шунинг учун ташқи сиёсатимизда узоқ-яқин давлатлар, энг аввало, бизга қўшни бўлган Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолади. Бу борадаги амалий ишларимиздан албатта халқимиз хабардор.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик меҳмонларимизга бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдириб, барча давлатлар халқларига самимий табрик ва саломларимизни йўллашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Бугун эл-юртимиз Мустақиллик байрами билан бирга муборак Қурбон ҳайитини ҳам катта шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда.

Бу икки улуғ байрамнинг айнан бир кунга тўғри келишида ҳам ўзига хос чуқур ва рамзий маъно бор.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, сиз, азизларни ана шу қўшалоқ айёмлар билан яна бир бор самимий табриклайман.

Шу юксак минбардан туриб, барча ютуқларимиз, буюк келажагимиз ижодкори ва бунёдкори бўлган мард ва олижаноб, меҳнаткаш ва танти халқимизга таъзим қиламан.

Бугунги улуғ айём кунларида қалбимдаги энг эзгу тилакларимни мужассам қилиб айтмоқчиман:

Бетакрор Ватанимиз равнақи йўлида садоқат билан хизмат қилишдан ҳеч қачон толмайлик, чарчамайлик!

Барчамизга жонажон юртимизнинг камолини, фарзандларимиз ва набираларимизнинг бахту иқболини кўриш насиб этсин!

Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, Қарши шаҳрида ҳайкал ўрнатиш ва Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуасини барпо этиш бўйича бошланган ишларимизни тўлиқ якунлаб, у кишининг туғилган кунига 80 йил тўладиган сана — 2018 йил 30 январда тантанали очилиш маросимини ўтказамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Биринчи Президентимиз ҳаётининг энг фаол ва жўшқин пайтини — талабалик даврини бошлаб умрининг охирига қадар бўлган даврни азим Тошкент шаҳрида ўтказдилар. Ўзларининг бор билим ва салоҳиятини, ғайрат-шижоатини Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудлари қатори пойтахтимизнинг янада обод ва кўркам бўлишига, гуллаб-яшнашига бағишладилар.

Ислом Абдуғаниевич Тошкентни Ватанимизнинг олтин остонаси, деб атар эдилар.

У кишининг **"Тошкент тимсолида Ўзбекистонни, Ўзбекистон тимсолида Тошкентни кўрамиз"** деган чуқур маъноли сўзларини шу бугунги тарихий кунда яна бир бор эсга олиш ўринли, деб ўйлайман.

Биринчи Президентимиз томонидан барпо этилган мана шу қароргоҳ у кишининг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг энг ёрқин дамлари ўтган эди.

Айнан шу ерда халқимиз, мамлакатимиз тақдири ва келажагига оид ғоят муҳим бўлган кўплаб Фармон ва қарорлар қабул қилингани сизларга яхши маълум.

Бундан бир йил олдин бошимизга тушган оғир мусибат туфайли ҳувиллаб қолган Оқсарой қароргоҳи бугун Ислом аканинг меҳри сиймоси туфайли яна очилиб, нурафшон бўлиб, эл-юртимизни ўз бағрига чорламоқда.

Бугун ушбу қароргоҳ олдида халқимиз, давлатимиз номидан буюк Йўлбошчимизнинг хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатар эканмиз, ўйлайманки, барчамиз Ислом Абдуғаниевичнинг бу муаззам ҳайкали шу майдонга алоҳида улуғворлик ва салобат бағишлаб турганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ишончим комил, бугундан бошлаб ушбу мажмуа бутун халқимиз учун бир умрга қутлуғ ва табаррук қадамжо бўлиб қолади, албатта.

Тошкент аҳли, мамлакатимиз барча шаҳар ва қишлоқларидан келадиган ватандошларимиз, чет эллик меҳмонлар, давлат ва жамоат арбоблари бу ерга ташриф буюриб, ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирадилар.

Бу масканга қадам қўйган ҳар бир инсон муҳтарам Ислом Абдуғаниевич юрган йўлаклардан, хиёбонлардан ўтиб, музей билан яқиндан танишиб, истиқлолимиз меъмори ва асосчиси билан хаёлан учрашгандек, мулоқот қилгандек бўлади.

Барчамизга яхши маълум, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги муносиб ўрни эгаллашида ҳам Ислом Абдуғаниевичнинг хизматлари беқиёсдир.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги маросимда иштирок этаётган, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчилари ва дипломатик корпус вакилларига Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти хотирасига кўрсатаётган ҳурмат ва эътиборлари учун чин қалбимдан миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Азиз дўстлар!

Ишонаман, Ислом Абдуғаниевичнинг муҳташам ҳайкали қад ростлаган ушбу қутлуғ маскан халқимиз, барча ёшларимиз учун Ватанга юксак меҳр ва садоқат кўрсатиб яшашнинг чинакам тимсолига айланади, катта тарбия ва ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, муҳтарам Биринчи Президентимизнинг номи ва у киши бошчилигида амалга оширилган буюк ишлар юртимизнинг шонли тарихида ўчмас саҳифа бўлиб мангу қолади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан буюк Йўлбошчимиз ҳайкалини яратиш бўйича халқаро ижодий танлов эълон қилинган эди.

Танлов натижаларига кўра, ҳайкалтарош, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Ўзбекистон санъат арбоби Илҳом Жабборов яратган ҳайкал ғолиб, деб топилди.

Маросимда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Ш. Каримов, Ўзбекистон халқ артисти Г. Мельникова, Тошкент шаҳридаги "Чилонзор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси О. Муталов, ФИФА рефериси, "Буюк хизматлари учун" ва "Эл-юрт ҳурмати" орденлари соҳиби Р. Эрматов, Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз халқини чексиз муҳаббат билан севгани, умрининг сўнгги кунларига қадар бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлагани, унинг сўнмас хотираси миннатдор юртдошларимизнинг, бутун халқимизнинг қалбида абадий сақланиб қолишини таъкидлади.

Энг улуғ, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами нишонланаётган қутлуғ кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Шу куни Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Сизни ва Ўзбекистон халқини ўзим ва ватандошларим номидан Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Жорий йилда биз Ўзбекистон ва Германия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигини нишонламоқдамиз. Ўтган чорак асрда биз сиёсат, иқтисодиёт, хавфсизлик, маданият соҳаларида, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигимизни ривожлантиришга эришдик. Ишонаманки, бундан буён ҳам ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаймиз.

Германия Ўзбекистонда давлат бошқаруви, адлия соҳаси, иқтисодиёт ва жамиятни ривожлантириш борасидаги муҳим ислоҳотларни амалга оширишда кўмаклашишга тайёр. Шунингдек, Сизни ишонтириб айтаманки, Германия Ўзбекистоннинг минтақадаги давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

Сиз ва оилангизга сиҳат-саломатлик ва фаровонлик, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик ва тараққиёт тилайман.

**Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сиз, Жаноби Олийларига Миллий байрам — Мустақиллик куни муносабати билан эзгу тилакларимни изҳор этиш ҳамда Ўзбекистон халқига келгуси йилда бахт-саодат ва фаровонлик тилашдан бағоят бахтиёрман.

**ЕЛИЗАВЕТА II,**
**Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Миллий байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан самимий тилакларимни қабул қилгайсиз.

Сиз давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаганингиздан буён халқларимиз ўртасида асрлар давомида шаклланган дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари янги босқичга кўтарилганини чуқур мамнуният билан қайд этаман. Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик бундан буён ҳам ривожланиб, мазмун жиҳатдан бойиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва улкан муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, эзгулик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан

**Алмазбек АТАМБОЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти**

*Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:*

Австралия Генерал-губернатори **Питер Косгроув**

Австрия Республикаси Федерал Президенти **Александр Ван дер Беллен**

Мьянма Президенти **Тхин Чжо**

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**

Словакия Республикаси Президенти **Андрей Киска**

Украина Президенти **Петр Порошенко**

Осиё инфратузилма инвестициялари банки президенти **Цзинь Лицюн**

ШҲТ Бош котиби **Рашид Алимов**

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**

Миграция бўйича халқаро ташкилот Бош директори **Уильям Лейси Свинг**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

# ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, қутлуғ санага бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишлари "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" деган бош ғояни ўзида мужассамлаштиргани шу табаррук заминимизнинг ҳар бир фуқаросини эзгулик сари руҳлантириши, шубҳасиз.

2017 йил 31 август. Пойтахтимизнинг муҳташам "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи.

Бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар ходимлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, нуроний отахону онахонлар, ёшлар жам бўлишган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюради.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилади.

Юртбошимиз мустақиллигимизнинг йигирма олти йиллиги билан халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири юртимиз учун ўта мураккаб давр бўлди. Халқимиз мустамлака тазйиқида наинки эркини, балки миллийлигини, тилини, динини, ўзлигини ҳам йўқотиш даражасига келиб қолганди.

Тарихимизнинг ана шундай хавотирли, мураккаб пайтида Ислом Каримов Ўзбекистонга раҳбар бўлди. Мустабид тузумга қарши мардонавор курашиб, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилди. Ҳали собиқ тузум ҳукмрон пайтда биринчилардан бўлиб Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилди.

Ислом Каримов янги ўзбек давлатчилигига асос солди. Ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дастурлар мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлади. Оқилона ташқи сиёсат, тинчлик ва ҳамкорлик принципи туфайли мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади.

Истиқлолимизнинг 26 йиллигига бағишланган байрам тадбирида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотираси чуқур эҳтиром билан ёдга олинди.

Саҳна ортидаги улкан мониторда мусаффо осмонимиз, оппоқ кабутарларнинг самога парвоз қилгани тасвири акс этди. Гўё буюк Йўлбошчимиз руҳи жонажон Ватанининг янги парвозларига оқ йўл тилади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг янги даврига янги етакчи билан қадам қўйди. 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган умумхалқ сайловида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов сиёсатини давом эттириш, шу билан бирга, барча соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадини баён этди.

"Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз" деган тамойилга асосан, мамлакатимизни модернизациялаш, давлат бошқаруви тизимининг сифати ҳамда самарасини ошириш бўйича туб ислоҳотлар қилинди. Бошқарув органлари фаолияти такомиллаштирилди, кўплаб вазирлик ва идоралар қайта ташкил этилди, янги ташкилотлар тузилди.

"Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойилга мувофиқ, халқ билан мулоқотнинг замонавий ва самарали тизими йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ҳамда Халқ қабулхоналари жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

"Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" деган ғоя асосида аҳолига кенг имкониятлар бериш, унинг реал даромадларини кўпайтириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қўшни давлатлар билан муносабатларимиз янада яхшиланди.






Ёлқин ШАМСИДДИНОВ ва Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Президентимизнинг илк давлат ташрифлари қўшни давлатларга бўлди. Ўзаро рақобат эмас, ҳамкорлик қилиш тамойили иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлади.

Мамлакатимизда ёшларга эътибор янада юксак даражага кўтарилди. Буни шу йилнинг 30 июнь санасида пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашиб, мақсад ва режалари, уй-ташвишлари ҳақида дилдан суҳбат қургани мисолида ҳам кўриш мумкин. Айтиш керакки, мазкур анжуманда фаолияти йўлга қўйилган янги ёшлар ташкилотининг яқин истиқболдаги мақсад ҳамда вазифалари хусусида кўплаб таклифлар, мулоҳазалар ўртага ташланди. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонида тўлиқ ўз ифодасини топди.

Инсон ҳаётдан қачон рози бўлади? Қачонки, у ўз уйига эга бўлса, оиласи билан тинч-тотув яшаса. Айнан ана шу инсонга бўлган эъзоз эҳтиром бугунги куннинг амалий ҳаракатига айланди. Бу қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, тадқиқот институтлари томонидан эълон қилинаётган рейтинглар натижаларида ҳам Ўзбекистонда адолатли, халқпарвар, оқилона сиёсат юритилаётганини, фуқароларнинг турмуш даражаси юксалиб, ҳаётдан мамнунлиги тобора ортиб бораётганида ўз тасдиғини топмоқда. Яқинда АҚШнинг нуфузли "Геллап" тадқиқот ташкилоти томонидан эълон қилинган Хушкайфиятлилик индексида Ўзбекистон 142 давлат орасида 3-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида эса 1-поғонани эгаллагани бунинг яққол исботидир.

Мустақиллик тантаналарида ана шу бахтиёрлик ва шодлик санъат усталари, бахшилар, шоирлар ҳамда истеъдодли ёшлар айтган куй-қўшиқлар, лапарлар, ашъорларда тараннум этилди. ВАТАН, ИСТИҚЛОЛ, МАРДЛИК, ТИНЧЛИК ҳақидаги энг сара қўшиқлар саҳна узра жаранглади. Демак, энг улуғ, энг азиз байрам тантаналарига муносиб бўлган оҳанграбо хонишлар мана шу қутлуғ саҳнада дунёга келди.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллиги тантаналари мамлакатимиз бўйлаб катта шодиёналар билан давом этмоқда.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 102 ёшли Тожигул момога "Шуҳрат" медали топширилди

*Мустақиллигимизнинг йигирма олти йиллиги байрами арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фармонига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл туманидаги Қўсжап овулида яшаётган 102 ёшли Тожигул ая Аллиярова ҳам "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.*

**ШУКРОНА**

Бир асрдан зиёд умри давомида онахон кўп синовларни — Иккинчи жаҳон урушининг мусибатлари, урушдан кейинги оғир кунларни бошидан ўтказди. Кўп йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилди, бир ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказди. Бугун у олти эвара, ўн беш чеваранинг ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

— Яратганга шукр, бугунги дориламон кунларни кўриш бахти насиб этди, — дейди Тожигул момо. — Юртимиз тинч-осойишта, ҳаётимиз фаровон, тўйлар тўйларга уланмоқда, ҳамма ерда файзу барака. Яхши кунларимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Ватанимиз янада обод, ҳаётимиз чароғон бўлаверсин!

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов онахоннинг уйида бўлиб, унга Президентимиз номидан давлатимизнинг юксак мукофоти — "Шуҳрат" медалини топширди. Уни мустақиллик байрами ҳамда Қурбон ҳайити билан қутлади. Шунингдек, аяга байрам совғалари тақдим қилинди.

Тожигул ая бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мақсадимиз — юрт тараққиётига ҳисса қўшиш

*Мамлакатимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини ташкил этиш ва молиялаштириш бўйича янги тизим яратилгани қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш имконини бермоқда.*

**ДИЛ СЎЗИ**

Айниқса, Оролбўйи минтақасида жойлашган Хоразм вилоятида ушбу йўналишдаги ишларнинг муҳим аҳамият касб этиши инобатга олиниб, суғориш тармоқларини таъмирлаш ҳамда тиклаш орқали сув таъминотини такомиллаштириш, тежамкор технологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ислом тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳа доирасида бажарилаётган кенг кўламли юмушлар натижасида Тошсоқа, Полвон ва Шовот каналларидаги 300 дан зиёд сув чиқариш насослари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Бунинг ҳисобига йилига 87,5 миллион кВт. электр энергияси иқтисод қилиниши баробарида, Тошсоқа суғориш каналлари тизимининг фойдали иш коэффициенти 15 фоиз ошиб, 191,3 минг гектар экин майдонига сув етказиб бериш сифати ортади. Энг асосийси, йилига ўртача 800 — 900 миллион куб метр обиҳаёт тежалади.

Халқимиз сувни заргарга, сувчини заргарга бежиз қиёсламайди. Шу маънода, вилоятимиз деҳқон ҳамда фермерлари мўл-кўл ҳосил етиштиришида сув хўжалиги тизими мутахассисларининг ҳам ҳиссаси борлиги бизга ғурур бағишлайди.

Мустақиллик байрами арафасида Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирландилар. Шулар қатори мен ҳам "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор" унвонига сазовор бўлдим. Яқинларимдан ушбу хабарни эшитганимда, рости, кўзларимга ёш келди. Ахир оддий ишчининг камтарин меҳнати шундай юксак даражада қадрланиши саодатдир. Инсон манфаатлари устувор бўлган юртимизда ислоҳотлар фуқароларнинг бугунги куни ва келажаги фаровонлигини таъминлашга қаратилгани, фидойи хизматлар ҳеч қачон эътиборсиз қолмаслигига яна бир бор амин бўлдим.

Шундай экан, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, эзгу лойиҳалар ташаббускорига айланишимиз, хайрли ишларга ўз ҳиссамизни қўшишимиз бурчимиздир.

**Ҳамдам КАРИМОВ,**
**«Шовот-Қуловот» ирригация тизими бошқармасининг «Қуйи Шовот» ирригация тармоқлари тизими муҳандис-гидротехниги.**

## ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА КУРАШГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун ушбу ёдгорлик мажмуидан зиёратчилар қадами узилмайди. Бу маскан нафақат шаҳидлар ёдини ифода этади, балки бугунги авлодни табаррук Ватанимизни, мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди.

...31 август. Эрта тонг. Қатағон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган рамзий қабр устидаги айвон гумбази узра қуёш нурлари жилваланади. Осуда отаётган тонгни кўриб қалбларда шукроналик, шу озод ва обод юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси жўш уради.

Қатағон қурбонлари куни муносабати билан мазкур хиёбонда халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими ўтказилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Анъанага кўра ош тортилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Президентимиз Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Мана шундай нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда жонини ҳам аямаган аждодларимиз хотирасини ёд этиш билан қалбимиз нурга тўлади, руҳимиз тетиклашади, деди давлатимиз раҳбари. Эзгулик аталмиш қудратли кучнинг абадийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Истиқлол йилларида қўлга киритаётган ютуқларимиз, амалга ошираётган улкан ишларимиз билан фахрланамиз. Улар бир умр орзу қилган, бугунги авлодга насиб этган мустақиллик, эркин ва фаровон ҳаёт аҳамиятини янада теран англаймиз.

Истиқлол туфайли юртимизда тарихга муносабат тубдан ўзгарди. Узоқ йиллар давомида топталиб келган миллий қадриятларимизни, буюк аждодларимиз номини қайта тиклаш, хотирасини эъзозлаш, Ватан ва халқ озодлиги йўлида жонини фидо этган минглаб инсонлар руҳини шод этиш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Инсондан унинг қилган эзгу амаллари, ишлари қолади. Бунга XX аср бошида яшаб ўтган Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек, Усмон Носир сингари кўплаб маърифатпарварларнинг курашларга йўғрилган ҳаёти ёрқин мисолдир. Уларнинг юртни озод кўриш орзуси, шу йўлда амалга оширган эзгу ишлари истиқлол туфайли рўёбга чиқди. Бугун озод ва обод юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар жиҳатдан баркамол авлод вояга етмоқда.

Юртимиздаги кўплаб тарихий обидаларнинг қайта тикланиши, қадамжоларнинг обод бўлиши мамлакатимиз Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ. Жумладан, Биринчи Президентимизнинг 2001 йил 1 майдаги "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармони асосида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи барпо этилди.

Музей 2002 йил 31 август куни — мамлакатда илк бор нишонланган Қатағон қурбонларини ёд этиш кунида тантанали равишда очилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев музей экспонатлари билан танишди.

Аждодларимизнинг Ватан тинчлиги ва озодлиги йўлидаги кураши бугунги кун ёшлари учун ибрат мактабидир, деди давлатимиз раҳбари. Ҳар бир вилоятда Қатағон қурбонлари хотираси музейининг филиалларини ташкил қилишимиз керак. Улар университет ва институтлар қошида ташкил этилса, айни муддао бўлади. Қатағон қурбонлари хотираси бўйича мактаб дарсликларида махсус дастур асосида ўқитиш тизимини ҳам ишлаб чиқиш зарур.

Шавкат Мирзиёев музей ёнидан оқиб ўтувчи Бўзсув канали атрофини янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Бу ердаги муҳит ижодкорлар учун илҳом манбаидир. Шунинг учун Бўзсув канали атрофида турли тадбирлар — мақом кечалари, ёшлар, нуронийлар ва зиёлиларнинг учрашувларини уюштириш мақсадга мувофиқ, деди Президентимиз.

Ўзлигини англамаган, асл ҳаётий ҳақиқатлар мазмун-моҳиятини тушуниб етмаган халқнинг келажаги йўқ. Истиқлол йилларида қўлга киритилаётган ютуқлар, амалга оширилаётган улкан ишлар замирида эл-юрт манфаати, Ватан тараққиёти мужассам.

Юртимизнинг ҳар бир фуқароси йилдан-йилга мустақилликни мустаҳкамлашдек масъулиятли жараённинг онгли ва фаол иштирокчисига айланмоқда. Аждодларимиз хотирасини шод этиб, юрт тинчлиги ва эл фаровонлигини таъминлашни ўзининг бурчи деб билган, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётган халқимиз кўзлаган манзиллар, шак-шубҳасиз, нурлидир. Шундай экан, мустақиллигимиз абадийдир.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Эъзоз ва эътибор оғушида

*Халқимизнинг саховатпешалик ва инсонпарварлик фазилатлари энг улуғ, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг 26 йиллик байрами шукуҳи кезиб юрган шу кунларда янада яққолроқ намоён бўлмоқда.*

**ҒАМХЎРЛИК**

Бунда Президентимизнинг жорий йил 1 августдаги "Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши муҳим ўрин тутаяпти.

"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки, Миробод тумани ҳокимлиги, Ногирон болалар "Камалак" уйи ҳамкорлигида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, кексалар, меҳнат фахрийлари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда имконияти чекланган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Эъзоз ва эътибор" хайрия тадбири ташкил этилди.

Унда сўз олганлар мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, имконияти чекланган юртдошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда ўз ўрнини топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

— Бугунги кунда муассасамизга юзга яқин ногиронлар, айниқса, ёшлар келиб, "Устоз — шогирд" анъанаси асосида компьютер саводхонлиги, тикувчилик, пойабзал таъмирлаш сингари ҳунарларнинг сир-асрорларини ўзлаштираётир, — дейди Ногирон болалар "Камалак" уйи менежери Комилжон Тошмуҳаммедов. — Бу эса уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда қўл келмоқда. Мурувват кўрсатиш — халқимизга хос фазилат. Бу ерда ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар томонидан хайрия тадбирлари ўтказилиб, болаларга совға-саломлар улашиш эзгу анъанага айлангани бунинг яққол далилидир.

Ўтган йили "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки томонидан ёшларга компьютер жамламалари тақдим қилинган бўлса, жорий йилда йигирмадан ортиқ болаларга йигирма турдаги мактаб анжомлари ҳамда ўқув қуроллари топширилди. Бундан ёшлар ҳам, ота-оналар ҳам ниҳоятда хурсанд.

— Бизга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан жудаям мамнунмиз, — дейди Ногирон болалар "Камалак" уйи аъзоларидан бири Заҳро Охунжонова. — Бунинг учун ташкилотчиларга раҳмат. Бундай тадбирларнинг истиқлол байрами арафасида ўтказилаётгани бизни янада қувонтирди.

"Ҳар кунимиз байрам бўлсин!" шиори остидаги бу каби хайрия акциялари юртимизнинг барча ҳудудида бўлиб ўтмоқда.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ШУКУҲ

*Президентимизнинг шу йил 24 августдаги “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, пойтахтимизда ҳам ушбу айёмни кўтаринки руҳда нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилди.*

# Эзгулик айёми

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 26 йиллиги шодиёналари билан бирга Қурбон ҳайити нишонланишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, айнан истиқлол халқимизга муқаддас динимиз арконларини эмин-эркин адо этиш имконини берди.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси бўлимлари ва бошқа ташкилотлар томонидан байрам тадбирларини тинч-осойишта, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ҳамда саховатпешалик фазилатларини намоён этган ҳолда ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Ҳайит намози ўқиладиган масжидларда барча шароит ва қулайликлар яратилди. Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги, санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар кўрилди. Маданият ҳамда истироҳат боғлари, аҳоли гавжум масканларда халқ сайиллари ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳомийлар томонидан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, Меҳрибонлик, Саховат ҳамда Мурувват уйларига совға-саломлар топширилаяпти.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ватанимиз мустақиллигининг йигирма олти йиллиги ҳамда Қурбон ҳайити байрами муносабати билан “Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!” деб номланган хайрия акциялари давом этмоқда. Шайхонтоҳур туманида ташкил этилган ана шундай тадбирга эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилалар вакиллари таклиф қилинди.

Унда халқимизнинг орзу-уйлари, ҳаётига дахлдор масалаларни кенг ва атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, турли камчиликларга ўз вақтида ечим топиш, одамларга елкадош бўлиш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Файзли дастурхон атрофида кечган самимий мулоқотларда мустақиллик, тинчлик ҳамда осойишталик, юртимиздаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, шукроналик муҳити энг катта бойлик экани алоҳида таъкидланди. Иштирокчиларга бадиий-маърифий адабиётлар, кичкинтойларга эса турли совғалар улашилди.

Бу каби хайрия тадбирлари одамлар орасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга, тинчлик деб аталмиш улуғ неъматни қадрлашга ундаши билан янада аҳамиятлидир.

**Одилхон ИСМОИЛОВ,**
**Шайхонтоҳур тумани бош имом-хатиби.**

# ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР УЧУН КЎРКАМ УЙЛАР

*Мирзаобод туманида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Сардоба темир йўл агросаноат мажмуаси” унитар корхонаси меҳнат жамоаси аъзоларига янгиланган намунавий лойиҳадаги 100 та уй тантанали равишда топширилди.*



ТУҲФА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 17 май куни жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан барпо этилган “Сардоба” сув омбори атрофида бажарилиши белгиланган истиқболли лойиҳалар ,ижроси бўйича кўрсатмалар берган эди.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда “Сардоба темир йўл агросаноат мажмуаси” унитар корхонаси жамоаси ана шу вазифаларни муваффақиятли уддалаб келмоқда. Улар балиқчилик, чорвачилик, мева-сабзавотни қайта ишлаш, сут маҳсулотлари ҳамда омихта ем ишлаб чиқариш каби лойиҳаларни изчил амалга оширишмоқда. Янги-янги боғлар ташкил қилиб, ҳудудни обод этишаяпти. Энг қувонарли жиҳати эса, жамоа аъзолари ҳудуднинг доимий яшовчиларига айланишмоқда, халқ тили билан айтганда, шу ерга меҳр қўйиб, палак ёзишаётир. Эндиликда бир вақтлар учта уй бўлгани туфайли Учтом деб номланган қишлоқ ёнида уларнинг саъй-ҳаракатлари билан Темир йўлчилар массиви — мўъжаз шаҳарча қад ростлаган.

Бинобарин, сув омбори этагида, бир вақтлар юлғун ва янтоқ ўсиб ётган, кўримсиз бўлган жой ўрнида қисқа муддатда бунёд қилинган мазкур аҳоли яшаш пункти жамоли ҳар қандай кишининг ҳавасини тортадиган даражада. Буни “Ўзтемирйўлқурилишмонтаж” унитар корхонасининг қўлигул қурувчилари меҳнатидан янги уй эгаларининг розилигидан ҳам билса бўлади.

— Рости, янги хонадонимиздаги шароитларни кўриб, ўзимизни шаҳарга кўчиб келгандек ҳис этдик, — дейди Холида Мисирова. — Қолаверса, ҳовлидаги томорқада рўзғор учун сабзавот, мева-чева етиштириш имкониятимиз ҳам бор. Кўчаларимизнинг чиройлилигини айтмайсизми?! Атрофига арча, анвойи гуллар экилган, ёритқичлар ўрнатилган. Ёш оиламиз. Турмуш ўртоғим мажмуада агроном бўлиб ишлайди. Икки нафар фарзандимиз бор. Бугун ўзимизни, ҳеч шубҳасиз, бахтиёр оилалар сафига киритишга ҳақлимиз. Албатта, буларнинг барчаси давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор туфайлидир.

— Сурхондарё вилоятининг Денов туманиданман, — дейди “Сардоба темир йўл агросаноат мажмуаси” унитар корхонаси зоотехниги Зоҳид Собиров. — Шу боис оиламдан узоқда ишлаб, яшаб келаётган эдим. Куни кеча турмуш ўртоғим ва бир нафар фарзандимни янги уйимизга кўчириб келдим. Энди мана шу манзилда доимий яшашга аҳд қилдик. Бизни қувонтиргани уйимизнинг дастлабки тўловлари ҳам жамиятимиз ҳисобидан тўлаб берилди. Шу билан бирга, хонадонимиз зарур уй жиҳозлари билан тўлиқ таъминлангани биз каби ёш оилаларга жуда катта ёрдам, албатта. Бундай ғамхўрликка жавобан эса белгиланган вазифаларни амалга оширишда фидойилик кўрсатиб, шу юрт, шу муқаддас Ватан равнақи учун сидқидилдан меҳнат қиламиз.

Айни чоғда Темир йўлчилар массивини янада обод ҳамда кўркам манзилга айлантириш, аҳоли учун қулай шароитлар яратиш бўйича қатор режалар белгиланган. Яқин келажакда бу ерда тиббиёт, таълим муассасалари ва бошқа ижтимоий-маиший иншоотлар қурилади. Сунъий қопламали стадион эса уйлар билан бир вақтда фойдаланишга топширилди.

Янги тураржойларни ўз эгаларига топшириш тантанаси мустақиллик айёми билан уйғун равишда бўлиб ўтганлиги барчага янада кўтаринки кайфият бахш этди. Халқимизга хос хайрли удум — уй тўйида куй-қўшиқлар, карнай-сурнай садолари янгради.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ғ. Мирзаев сўзга чиқди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Мамлакатимизнинг йирик банкларидан бири бўлган
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

*мамлакатимиз аҳлини энг улуғ ва энг азиз байрамимиз —*
*мустақиллигимизнинг 26 йиллик шодиёнаси билан*
*самимий муборакбод этади*
*ҳамда ўз мижозларига байрам туҳфаси сифатида*
*жозибадор ва юқори фоизли «Мустақиллик туҳфаси»*
*ҳамда «Олтин куз» омонат турларини таклиф қилади.*



«Мустақиллик туҳфаси»

- Омонатни сақлаш муддати — 4 ва 6 ой.
- Бошланғич бадалнинг минимал миқдори — 1 000 000 сўм.
- Омонатга маблағ нақд пул кўринишида ва пластик карточкадан қабул қилинади.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда талаб қилиб олгунча ҳисобварағига кирим қилиш орқали тўланади.
- Омонатга маблағ қабул қилиш бошқа муддатли ёки жамғарма омонатларини қайта расмийлаштириш (бекор қилиш) ҳисобига амалга оширилмайди.

«Олтин куз»

- Омонатни сақлаш муддати — 1 йил.
- Бошланғич бадалнинг минимал миқдори — 500 000 сўм.
- Омонатга маблағ нақд пул кўринишида, пластик карточкадан ҳамда бошқа муддатли ёки жамғарма омонатларини қайта расмийлаштириш (бекор қилиш) ҳисобига қабул қилинади.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда талаб қилиб олгунча ҳисобварағига кирим қилиш орқали тўланади.

*Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул, деб ҳисоблаймиз!*

Қўшимча маълумотларни (0-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

WWW.NBU.UZ

Хизматлар лицензияланган.

1150R/115

UZBEKNEFTEGAZ

«Ўзбекнефтгаз» АЖ жамоаси

Ўзбекистон халқини

*Мустақиллик куни*

билан чин дилдан табриклайди!



*Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, ҳаётимиз гўзал, келажагимиз порлоқ бўлсин!*

1136A/784

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 79 476 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.35 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6